



Санъатни озик деймизу, бироқ унинг бошқа турларидан ҳам озикроғи бу қизиқчилик санъати бўлса керак. Агар иштиқманда киши хоҳласа, ўқиб, яхшигина олим бўлиши мумкин. Тинимсиз машқ билан дурустгина хофиз бўлишимиз мумкин, аммо йиллар давомида ўқиш билан ҳеч қандай қизиқчи бўла олмайдим. Чунки, бу санъат тўғрисида истаъдод ва иқтидори булганлар учун яратилган. Бир тасаввур қилинг-а, машҳур кулгу устаси Юсуфжон қизиқ Шакржонов аскиячи бўламан деб бирор илм масканида сабоқ олганими? Ёки Муҳиддин Дарвишнинг «қонид» мана шу иқтидор бўлмаганда у шунчалик обрў-эътибор қозона олармиди? Қизиқчилик — касб эмас. У ўта зийраклик ва маҳоратнинг ҳосиласи, ҳолос.

КУЛИШ ОСОН, КУЛДИРИШ...

(ПОП ШАҲРИДА УТКАЗИЛГАН ЖУМҲУРИЯТ «ҚИЗИҚЧИ-93» ТАНЛОВИДАН Кейинги МУЛОҲАЗАЛАР)



Узбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси жумҳурият телерадиокомпанияси, «Муштум» журнали ва Абдулла Қодирий жамғармаси билан ҳамкорликда Наманган вилоятининг Поп шаҳрида «Қизиқчи-93» танловини ўтказди. Аянага айланган қолган ана шу танлов кулгусевар халқимиз орасидан истаъдодларни кашф этиб келаяпти. Ҳажийбойни, Мираббекини, Обиду Собитларни, Абдулло Худойбердиларни бүгун қим танимайди дейсиз? Шу боисдан ҳам Попга республикаимизнинг турли бурчларидан қизиқчи ёшлар, кулгусеварлар йиғилишти. Танловни тайёрлаш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси номига 28 нафар даъвогар рўйхати тақдим этилди. Уларнинг ҳаммаси вилоятларда бўлиб ўтган дастлабки танловларнинг ғолиблари эди. Саралашдан сўнг ўн нафар қизиқчи финал беллашувига йўллама олди.

Попдаги М. Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғига ҳеч қачон бунчалик кўп томошабин йиғилмаган эди. Очқиқ саҳнага бирин-кетин ғолиблар ҳам даъвогарлар тақлиф этил-

ди. Дарвоқе, мазкур танлов марҳум қизиқчи Рустам Ҳамроқулов оила аъзолари номидан танлов тасисчиларига миннатдорчилик билдирди. Туман хокими Холмамат Таллабоев меҳмонларни ва йиғилганларни табриқлади.

Бироқ... об-ҳаво барибир ўз қилигини қилди. Танлов эндигина бошланган пайтда кучли шамол турди, бутун шаҳар электр энергиясиз қолди. Ташкилий қўмита танловни туман Маданият саройида давом эттиришни тасвир топди, лекин томошабинларнинг кўпчилиги боис қизиқчилар яна очқиқ саҳнага чиқдилар.

Теша тегмаган латифалар, қочиримлар зукко томошабинларнинг қайфиятини кўтарди, улар қизиқчиларнинг янги авлоди шаклланиб келаётганини ва бу авлод ҳам ўзига хос услуб билан анъананинг табаррук остонасида турганининг шохиди бўлдилар. Нақ тўрт соат давом этган беллашув муросасиз курашлар остида ўтди. Ўзбекистон халқ аъзоличси, «Муштум»нинг Бош муҳаррири Незмат Аминов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати учун ғолибларни аниқлаш унчалик осон бўлмади, албатта.

Нихоят, ҳажжонли дақиқалар! Ҳакамлар ҳайъати республика сатира ва ҳажв театрининг актёри Шерали Ҳожиевни танлов ғолиби деб топди. Андижонлик қизиқчи Ғайрат Аҳмедова иккинчи, Наманганлик Соҳибназар Шарипов ва андижонлик Карим Ҳолиқовларга учинчи ўрин nasib этди. Ғолибларга эсдалик совғалар ва «Фахрий ёрлиқлар» топширилди.

Танловнинг ҳолисанилло ўтганим рости. Эргаш Каримов, Тўлан Қўзибоев, Эргаш Раимов, Тоҳир Малик каби кўзга кўринган ижодкорлар ҳар бир қизиқчининг маҳоратини «элакдан ўтказишди». Бироқ шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтишни лозим топдик. Ҳакамлар ҳайъати саҳнага ўзбек қизиқчилиги мактабининг даргаларидан, машҳур аскиячилардан вакиллар киритиш мумкинмиди? Дайлик, Абдулхай маҳсум ёки Муҳиддин Дарвеш каби эл суйган қизиқчилар ушбу танловга нима учун тақлиф этилмади? Қизиқчилик дегани — бу шунчалик латифагўйлик қилиш эмас. Мазкур беллашув иштирокчиларида, афсуски, ана шу кўсур яққол сезилиб қолди. Зўрма-зўраки уринишлардан қўра аскиячилиги ва қизиқчилик санъатининг бевақарлиги — қоса тағдаги ниёзларга ишора қилиш, қочиримлар қўллаш, сўз уйинларидан фойдаланиш афзалроқ бизнингча. Умуманнинг классик қизиқчилик мактаби анъаналари нима учундир четлаб ўтилди. Ҳужа Насриддиндан қўра Чарли Чаплин, Юрий Никулинга тақлид қилиш бугунги ёшлар ижоди-



дан кенгроқ ўрин олаётганлиги ҳам кишини уйлантириб қўлади. Нега шунча? Бизнингча, бу каби ҳаваснинг сабаби қизиқчи ёшларимиз ижодидоги маънавий бўшлиқ бўлса, ажаб эмас. «Танлов ўтди, иш битди», билан ҳеч нарсга ўзгариб қолмайди. Билъақ, бу каби танловларнинг обрў-нуфузини ошириш учун кечаги нуқсонлардан холи бўлишга интиломимиз лозим.

Санъатда ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди дейишади. Балки, тўғридир, лекин кучлини кучли деб тан олиш керак. «Мўйтивой» (Ш. Ҳожиев) «Қизиқчи-93» нинг ғолиби бўлди. Унга айтмоқчи бўлганимиз — машҳурликнинг юки ваэмин бўлади, халқ энди ғолибин «кинч қўймайди», бунинг учун янги-янги ҳангомалар излаб то-

пиш, репертуарини бойитиш керак. Эеро, «Қизиқчи» танловининг обрўсини кўтариш ёки аксинча қилиш кўпроқ ғолибларнинг гардишида бўлади.

Оддий томошабин сифатида олган таассуротларимиз шу. Ниятимиз — холис. Келгусида ўтказилажак танловлар ҳам худди бу йилги каби республикаимиз вилоятларида, баҳога жойларда ўтказилса, яхши бўларди. Кулиш осон, кулдириш қийин. Мана шу оддий ҳақиқатни чин дилдан ҳис қилиб майдонга чиқиб келаётган ёшларга омад бр бўлсин, ҳеч қайси қизиқчи томошабин олқишидан бенасиб қолмасин.

Рустам БОЙ МУҲАММАД,
«Туркистон» мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Қизиқчи-93» кўрик-танловидан лавҳалар. Сураччи Муҳаммад АМИН.

ТУРКИСТОН ИЖОДАТ МАРКАЗИ

Тошкент кимё технология институтини талабаларни математика, кимё, физика ва ўзбек тилидан тест синовларига тайёрлайдиган пуллик бир ойлик курслар ташкил этади. Машгулотлар 20 июндан 20 июлгача ўтказилади.

Институт манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй.

Маълумотлар учун телефон: 56-68-86.

БИЛДИРИШ

Шу йил 20 июнь кунин соат 13 да, Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг мажлислар залида (Навоий кўчаси, 11-уй) «Шуъла» адабий уюшмасининг навбатдаги машгулотини бўлади. Машгулотга уюшманинг барча аъзолари ва адабиёт мухлислари таклиф этилади.

ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг 500 кишига мўлжалланган мажлислар залида энг қизиқарли ва долзарб мавзуларда турли анжуманлар, талабалар билан учрашувлар ўтказиш мумкин. Унда энг замонавий овоз кучайтиргичлар ўрнатилган.

Залдан фойдаланганлик учун тўлов ўзаро келишув орқали амалга оширилади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй.

Тел: (8-3712) 41-03-61.

БУ КЎХНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР

ИЛМИЙ ФОНД ВАКОЛАТХОНА ОЧМОҚЧИ
ВАШИНГТОН. Халқаро илмий фонд ушбу шаҳарда ўзининг доимий ваколатхонасини очганини эълон қилди. Маълумки, бу фонд ўтган йилнинг декабрь ойида Американинг таниқли сармоядор ва саҳоватпеша Жорж Сороснинг хайрли ташаббуси билан собиқ Шўролар Иттифоқида асосий илмий соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган эди. Фонднинг бош қароргоҳи Американинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Жорж Сороснинг саҳовати тўғрисида тез орада моддий жиҳатдан мустақиллаштирилган жиддий илмий тадқиқотлар учун ҳозирда 100 миллион доллар ажратди.

1993—1994 йиллар мобайнида Америк Қўшма Штатларида ўтказилган халқаро конференция ва илмий анжуманларда мустақил ҳамдустлик мамлакатлари таниқли олимларининг иштирокни таъминлаш мақсадида фонд томонидан яна икки миллион доллар маблағ ажратилган бўлди.

(ЎЗА)

АЕЛ ПАРВОЗИНИНГ УТТИЗ ИЙЛИГИ
 Юрий Гагариннинг космосга қилган 108 дақиқали парвози дунёни ларзага солгани каби биринчи аёлниң фазога учини ҳам Ер қуррасида шов-шув қўзғатган эди. Уттиз йил муқаддам Валентина Терешкова «Восток-6» космик кемасида парвоз қилган эди.

Шундан кейин икки марта — 1982 ва 1984 йилларда Светлана Савицкая эркак касбдорлари билан бирга «Салют-7» орбитал станциясида ишлади. У оқинг космосга чиққан биринчи аёл бўлди. Жаҳон аҳли Американин кўп марта фойдаланиладиган «Шаттл» кемаларида меҳнат қилувчи хотин-қизларнинг янги-янги номларини эшитиб турибди.

ЖАҲОН БАНКИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ТАШРИФИ
 Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банкнинг бир гуруҳ мутахассислари Ярославда ишлаш бошладилар. Ташрифининг мақсади минтақанин иқтисодий, молиявий сийсати ва муаммолари билан танишишдан иборат. Гуруҳ таркибиде Е. Гайдар раҳбарлигидаги ўтин даври иқтисодий муаммолари институтининг мутахассислари ҳам бор. Ташриф якунида мутахассислар жаҳон банкининг раҳбарияти учун бир неча маълумотнома тайёрлашлари лозим.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ

ВЭНС-ОУЭН РЕЖАСИГА ҲАЗАРТИШ КИРИТИЛАДИ
ЖЕНЕВА. Чоршанба кунин Сербия, Черногория, Хорватия, Босния ва Герцеговина раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган маслаҳат чоғида Вэнс-Оуэн режасига Ҳазартин киритишга келишиб олинди. РАТА—ТАСС мухбирининг хабарига қараганда, Хорватия президенти Франко Тушман бу ҳақда матбуот конференциясида баёнот берган. Президентнинг айтишича, мазкур режага Ҳазартин киритишдан мақсад келажакда мусулмонлар, серблар, хорватлар яшайдиган учта ҳудудий тузилмани ўз ичига олувчи «Федератив ёхуд конфедератив давлат» бўладиган Босния ва Герцеговинада теароқ тинчлик ўрнатишдир.

МУЗОКАРАЛАР МУРОСАЛИ БУЛАДИМИ?
 Яқин Шарқдаги аҳволни сийсий бартароф этиш масаласи юзасидан Вашингтонда Сурия билан Исроил ўртасида ўтказилган сулҳ музокаралари боши берк кўчага кириб қолди. Томонларнинг ҳар бири музокаралардан биринчи бўлиб муросали қадим қўшини кутмоқда.

Сурия делегациясини бошлиғи Муваффақ ал Аллофининг айтишича, Исроил «БМТ ҳавфсизлик кенгашини қарорларига мувофиқ Жўлон тепалиқларидан бутунлай кетишга мажбур».

Хорижда нима гап?
ЯПОНИЯНИНГ муҳолифатдаги партиялари Кинги Мицзиэва ҳукуматиға ишонсизлик билдирилган қарорини қўшма лойиҳасини парламентга тақдим эттиди. Муҳолифат ҳукумат бошлиғи ва ҳуқмрон либерал-демократик партия раҳбарини мамлакатда сийсий ислохотин амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга йўл бермаслиқда айбаламоқда. Бу ислохот Япониянинг сийсий майдонинда пулининг ҳуқуқроғининг қаматириши лозим эди. Қарор қабул қилинган тақдирда парламентнинг энг нуфузли қўни палатаси тарқатиб юборилиши ва мудатидан олдин сайлов таъинланиши мумкин.

ФОРС КЎРҲАЗИДАГИ

ОЛИИ ЖАЗО ҚўЛЛАНАДИМИ?
 Жанубий Африка Республикасининг парламентида ўлим ҳуқуқларини ижро этишни тўхтатиш ҳақидаги қонуни бекор қилиш масаласи овозга қўйилди. Бу қонуни учинчи йил муқаддам президент Фредерик Де Клерк томонидан жорий қилган эди.

Йоханнесбургда чиқадиган «Стар» газетасининг фикрича, «Ўлим ҳужми бемалол қайта тикланиши мумкин». Парламентнинг қўнига аъзолари, айниқса ўнг консерватив партия вакиллари олий жазони зарур деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга кузатувчилар ҳатто қонунининг парламент томонидан бекор қилиниши ҳам жишоқчиликни қаматиришга олиб бориши қўни деб ҳисобламақдалар. Африкаликлар миллий конгресси ва ирчиликка қарши бўлган бошқа ташкилотлар ўлимга ҳужм қилиш қайта тикланишига қарши чиқмоқдалар.

НОИРҚИ САЙЛОВ УТКАЗИЛАДИ
ЖАНУБИЙ АФРИКА Республикасининг Олтинта делегацияси нороэлин белгисин сифатида музокара жараёнидан чиқиб кетишга қарамай сепанба кунин шу жарабни қатнашчилари юнордаги қарорга келдилар.

(ЎЗА)

МУВАҚҚАТ ВИРЛАШГАН ҲУКУМАТ
КАМБОЖАДАГИ роялистларнинг Фунистик партияси билан халқ партиясин Камбожа давлатининг бошлиғи шахзода Нордом Сианук воситасида муваққат бирлашган ҳукумат тузишга рози бўлди.

Шахзода ялли сайловда кўпчилик ўринини олган мазкур партияларнинг раҳбар-

ОЛДИНДА ҲАЛИ ҚИШ БОР
 Челябинск телевидение-сида берилган реклама қатта шов-шувга сабаб бўлди. Унда Совет туманидаги фирмалардан бирини инсон соҳалари юқори баҳода қабул қилинаётганлиги айтилган. Кимки узунлиги 20 сантиметрдан кам бўлмаган соҳдан 1 кило топширса, унга нафақат бир неча миңг сўм пул тўланади, балки кўп қатта ютуққа автомобиль қўйилган суперлотерея ўйинида текинга иштирок этади, дейилади рекламада.

Қизғин шундаки, реклама берилган куннинг эртасигаёқ юзлаб челябинликлар (аёл ва эркак аралаш) соҳини таг-туғи билан олдинриш учун қабул пунига йўл олинди. Аммо туман прокуратураси фирманин бу ишнин бугунчиликдан бошқа нарсга эмас, деб баҳоламақда. Ушунинингизми, нима учун бундай деганини? Ахир фирма фаолиятин давом этса, яқинда бутун шаҳар аҳолисин ялтйришга айланади. Бу ёқда ҳали қиш бор. Шунинг ҳам иқтисодий тағи аҳолида ялбатган шаҳар уларга қишин телмани қабдан етказсин!

Умуман прокуратура фирма рекламасининг тўхтатиш ва унинг ишнин текшириш ҳақида баёнот берди, деб хабар беради «Оврупо-Оснб» илчиликларни агентлиги.

ТОЖИКИСТОН халқаро тиклаш ва тараққиёт банкига бир юз етмиш беш миңи аъзо бўлиб кирди. Мазкур банк аъзо бўлган мамлакатларға иқтисодий тараққиёт лойиҳасини амалга оширишда қатта ёрдам беради. Тожикистоннинг банкга тўлайдиган биринчи аъзолик бадала 5,33 миллион доллардир.

ОДАМЛАР УЧУН дунёда янаш тараф энг қиммат шаҳарлар сирасига Москвадан ўтказилган йўқ экан. Ундан сўнг Токио ва Осака шаҳарлари тураркан.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон «Озодин» ва «Эркин Европа» радиостанцияларини АҚШнинг ҳукумат ахборот маҳкамаси — ЮСИА қарамонга топширилган эълон қилди. Маълумки тежаш ва мазкур радиостанциялар ишнин яхшироқ мувофиқлаштириш учун шундай қилинди. ЮСИА ҳукуматга қарашли «Амрико овози» радиостанциясини ҳам раҳбарлик қилади.

ГРУЗИЯ раҳбари Эдуард Шеварднадзе 23 июнда НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳига таширф буряди. У НАТО Бош қотиби Манфред Вернер билан учрашди ва НАТО кенгашининг мажлисида кутў сўз бўлди.

